



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 сентябр, жума № 146 (1160)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

11 сентябр куни АҚШда содир этилган ва минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган гайринсоний террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон халқини қаттиқ газаблантирди ҳамда чучук ларзага солди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов АҚШ Президенти Жорж Бушга йўллаган мактубида бу ваҳшона кўпуровчиликни қоралади ва даҳшатли ёвузлик - террорчиликка қарши курашда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда террорчилик бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги шунини таъкидлашни зарур деб ҳисоблайдики, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлиб террорчилик, унинг кўринишлари, молиявий манбаларига қарши курашга қаратилган қарорларнинг сўзаси-ижросига оид ишларни мувофиқлаштирувчи махсус халқаро тузилма ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани илгари сурган эди.

Ўзбекистон икки мартаба - 1999 йилда ЕХТнинг Истанбул анжуманида, 2000 йил БМТнинг Минг-йиллик Саммитида - БМТ таркибиде террорчиликка қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Тошкентда ўтган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга яхлит ёндашув» мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжатиде Марказини ташкил этиш зарурати таъкидланган эди. Ушбу ҳужжат, ўз навбатида, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 декабрдаги қарори билан маъқулланган.

Кўпгина давлатлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган бўлса-да, у ҳозирча амалга оширилмапти.

АҚШдаги фожеали воқеалар муносабати билан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг террорчилик тажовузарини қораловчи ва Бош Ассамблеянинг 56-сессияси очилиш куни қабул қилинган фавқулодда қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош қотибга террорчиликка қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш учун амалий ва ҳақиқатда бўлмайдиган чораларни кўриш таклифи билан мурожаат қилишни ўз бурчи, деб ҳисоблайди.

Тошкент 2001 йил, 13 сентябр.

**Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси, давлатимиз раҳбарининг мазкур сессиядаги нутқи республикамиз кишиларини чучук ўйлашга, мушоҳада юритишга ундади. Хар бир фуқаро, у ким бўлишидан қатъи назар сессия ҳужжатларини ўқиб-ўрганиб, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олмақда.**

Сессияда мавжуд камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар қаторида бошқарув тизимида заифлик кўзга ташланаётганлиги алоҳида қайд этилди. Раҳбар бўлиш осонмас. Унинг фаолияти барчанинг кўз ўнгиде. Юриштириши, меҳнаткашларга муомаласи, салоҳияти хар куни имтиҳондан ўтади. Омма етакчиси яхши инсон бўлиш билан бирга омилкор, узокни кўра оладиган, ҳал қилувчи дамларда масъулиятни зиммасига ола биладиган, ўрни келганда қаттиққўл бўлиши керак. Шундагина у омманн ортидан эргаштириб, одамларда ташаббускорлик, фидойилик туйғусини уйғота олади.

Давр ўртага қўяётган долзарб вазифалардан бири илжи борича кўпроқ хориж сармоясини жалб этишдир. Бунга эришиш учун аввало қўшма корхоналар сонини кўпайтириш лозим. Мазкур вилоятда эса 2001 йилда ишга туширилиши керак бўлган саккизта қўшма корхонадан иккитасигина фойдаланишга топширилган, холос. Қатор қўшма корхоналар эса ўз фаолиятини тўхтатган. Демак, қўшма корхона маҳаллий хом ашёдан харидоригар маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги-янги иш ўринлари яратиш, қишлоқларимизга замонавий

технологияни олиб кириш эканлигини ҳанузгача кимлардир тушуниб етмаяпти. Кичик ва ўрта бизнес миллий фаровонликка эришишнинг ўта муҳим омили, хар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчидир. Бу муҳим йўналишда изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Республикаимизнинг кўпгина туманларида кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидеги улуши ортиб бормоқда. Лекин Самарқандда бу борадаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмапти. Айниқса, қишлоқ туманларида муҳим соҳани ривожлантиришга эътибор сустигича қолмоқда. Тадбиркорлар лозим даражада қўллаб-қувватланмапти. 2001 йилнинг ўтган даври мобайнида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ажратилган кредитларнинг атиги бир фоизи узок муддатлидир. Шунинг ўзи ҳали жойларда сўз ва иш бирлиги таъминланмаётганлигини кўрсатади.

## АГАР РАҲБАР ҚУЙИБ-ЁНМАСА...

шартнома шартлари бажарилмаётганлиги сабабли зарар кўраётганлиги ҳақида қуйиб ёзган. Унинг даъво аризаси судда кўриб чиқилгач, талаби қондирилди. Умуман, жойларда ўзимни ҳам, элимни ҳам бой қиламан, деб гайрат камарини боғлаб ишлаётган кишиларни қўллаб-қувватлаш ҳамон кўнгилдагидек эмас. Пахта халқимизнинг бебаҳо бойлиги, мустақил Ўзбекистонимизга хориж сармоясини олиб келувчи қимматли хомашё. Вилоятда нима сабабдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режалари сурункасига бажарилмаётганлиги, сув танқислиги, обҳавонинг ноқулай келиши каби баҳоналар рўқач қили-

### Тоза виждон, мустаҳкам иймон билан яшайлик

Контракция шартномалари бир томонлама тузилган. Маълумотларга кўра, ўтган йили вилоят хўжалик судида тадбиркорларнинг даъво аризалари бўйича 142 та иш кўриб чиқилди. Масала кўндаланг қўйилганда, келишмовчиликларнинг асосий қисми тадбиркорлар фойдасига ҳал бўлган. Негадир фермерни, омилкорни чув туширишга интилишади. Масалан, Челак туманидаги «Абдусамат» фермер хўжалигининг раҳбари Н.Отауллаев

нади. Бироқ, баъзи амалдорлар пахта ва галла етиштириш учун ажратилган моддий ресурсларни ўз манфаатлари йўлида ишлатишга уринаётганликларига гоятда ташвишли ҳол. Қинғир ишлар бор жойда ҳеч қачон қутилган даражадаги тараққиётга эришилмайди. Камчиликларни кўра-била туриб, кўрмаслик қила олиш, лоқайдлик хар бир фуқарони ўйлантиради, ташвишлантиради. Республикаимизнинг кўпгина туманларидаги дўконларда бўлсангиз, кундалик эҳтиёж моллари сероблигини кўрасиз. Бироқ, мазкур вилоятда рўзгор учун зарур бўлган моллар билан таъминлашдаги узиллишлар одамларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Афсуски, сунъий тақчиллик яратиш кимларнингдир чўнтагини қаппайтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса бориб турган жиноят. Бундай камчиликларга нисбатан муросасиз курашмоғимиз даркор.

Ҳаёт шитоб билан ривожланмоқда. Сессияда кўндаланг қўйилган масалалар яна шу жиҳатдан муҳимки, агар иқтисодиёт тез суръатлар билан ўсмаса, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл берилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, эски услубдан тамоман воз кечиб, соф виждон, мустаҳкам иймон билан яшашок, иш юритмоқ даркор. Шундагина, айтилаётган барча гаплар, даъватлар юракларни забт этади, янги-янги довлонларни ошиб ўтишга илҳом бағишлайди.

### ХУКУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР - АМАЛИЁТГА

Президент Ислам Каримовнинг иккинчи қақирқ Олий Мажлис олтинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, суд-хуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш буйича долзарб вазифалар Урганчада ўтказилган минтақавий кенгашда муҳокама этилди. Унда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси адлия идоралари раҳбарлари ва судьялари иштирок этди.

Кенгашда таъкидланганидек, хуқуқий тизим ва жиноий-процессуал қонунчиликни ислоҳ қилиш қонунустворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлат хуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган. Мамлакатимиз раҳбарининг нутқиде белгилаб берилган асосий йўналиш ва тамойиллар судлар ва адлия идораларининг кундалик амалиётида аниқ акс этиши зарур.

(ЎзА).

## АҚШ Шарҳловчи минбари ТЕРРОР ИСКАНЖАСИДА

2001 йилнинг 11 сентябри АҚШ тарихига энг даҳшатли кунлардан бири бўлиб қирини шубҳасиз. Шу кунни пойтахт Вашингтон ва мамлакатнинг энг йирик шаҳри Нью-Йоркда мисли кўрилмаган кўпуровчилик амалга оширилди.

АҚШ президентининг Кемп-Дэвиддаги қароргоҳига йўл олган.

Вашингтонда АҚШ мудофаа вазирлиги биноси, дунёдаги энг қаттиқ қўриқланадиган иншоотлардан бири Пентагонга йўловчи самолёт келиб урилди. Энг даҳшатли воқеалар содир бўлган Нью-Йоркда эса террорчиларнинг ҳужуми Жаҳон савдо марказининг икки осмонўпар биносига қаратилди. Баланс дўғи 410 метрни ташкил қилувчи «эгизаклар» кетма-кет иккита самолёт келиб урилиши натижасида бутунлай ер билан яқсон бўлди. Мазкур кўпуровчилик натижасида қурбон бўлганларнинг сони ҳозирча аниқ эмас. Лекин портлашлар минглаб кишиларнинг ёстигини қуритгани шубҳасиз. Бу хунрезликни ким ташкиллаштиргани ва амалга оширгани ҳам ҳозирча номаълум.

Биринчи портлаш Нью-Йоркда, Жаҳон савдо марказининг «эгизак» биноларидан бирига «Боинг - 757» русумли самолётнинг келиб урилиши натижасида рўй берган. Кўп ўтмай, «Боинг - 767» русумли яна бир самолёт «эгизаклар»нинг иккинчисини нишонга олган. Шунини аниқ-равшан айтиш мумкинки, портлаш юз берган пайтда Жаҳон савдо марказида минглаб кишилар бўлган. Бир кунда эса бу икки бинога 150 мингдан ортитик киши кириб-чиқадди.

Кўпуровчилик амалга оширилгани ҳақидаги хабарлар тарқалиш ҳамон АҚШнинг барча давлат муассасалари ўз ишини тўхтатди. Мамлакат ҳукумати ва парламент аъзолари шошилинч таврда хавфсиз ҳудудларига кўчирилди. АҚШ осмониде парвоз тўла тўхтатилди. Мамлакатга келаётган барча самолётлар қўшни учун кўшни давлатларга йўналтирилди.

Жаҳон савдо марказидаги портлашлардан кўп ўтмай, Вашингтондаги АҚШ мудофаа вазирлиги - Пентагоннинг биносига яна бир йўловчи самолёт келиб урилди. Сал ўтиб эса Питсбург шаҳридан бир неча қақирим нарида яна бир «Боинг» русумли самолётнинг кулаб тушгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлди. Маълум бўлишича, бу самолёт ҳам террорчилар томонидан қўлга олинган экан. У

АҚШдаги фожиалар террор XXI аср вобосига айланиб улгурганини яққол намоён қилди. Бу воқеа дунёнинг энг кучли давлати ҳам мазкур иллатга қарши яқка кураш олиб боришга ожизлик қилишини яна бир бор кўрсатди.

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг 1999 йил ЕХТнинг Истанбул саммитида сўзлаган нутқиде жаҳон ҳам-жамияти халқаро терроризмга қарши ўзаро ҳам-жиҳатликда курашиши лозимлиги ҳақида айтган гаплари ёдга тушади. АҚШда содир этилган хунрезлик яна бир бор Президентимизнинг фикри ниҳоятда долзарб эканлигини кўрсатди.

Бобур СОБИРОВ, ЎзА шарҳловчиси.

### Саховат ҚИММАТИНГА БАЛЛИ

Чуст туманидаги Ёрқишлоқ марказида «Раимжон ота» хусусий савдо маркази иш бошлади. Бинони тадбиркор Мирзаанвар Имомов 10 миллион сўм маблағ сарфлаб тўрт ой муддат ичида қурди. Саккизта ишчи ўрни яратилди. Савдо маркази ҳовлисида минг кишига мўлжалланган тўй маросимини ўтказиш мумкин.

— Биз яна, бозор растаси, сартарошхона, новвойхона, чойхона ва музқаймоқ дўконларини қурмоқчимиз, - деди хусусий тадбиркор «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Маҳалламизда ҳамқишлоқларимиз учун барча қулайликларни яратмоқчимиз.

### НОГИРОНЛАРГА ЭЪТИБОР

Наманган вилоят «Нур» хайрия жамғармаси асосан харбийдаги хизмат жараёнида ногирон бўлиб қолган ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил топган. Республикаимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ана шу жамғарма ногиронларга 192 минг сўм ҳада қилди.

— Биз меҳр-муруватни янада кучайтириш учун ҳаракат қилмоқдамиз, - деди жамғарма директори М.Абдурахмонов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Чунки савобдан улугроқ иш йўқ.



Бир неча йилдирки Косонсой туманининг ишбилармонлари хўл мева ва сабзавотлардан табиий шарбат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида изланиб келишарди. Сабаби, бу ердаги хўжаликларнинг асосий қисми сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган. Изланишларининг самараси ўлароқ улуг байрам арафасида янги 10-қўшма «NAM-KON» корхонаси ишга тушди. Корхона номи билан тамғаланиб, сифатли ва бежирим

қадоқланган шарбатлар турли дўкон пештахталарида кўзингизни қувонтирсан не ажаб. Заводда кунига 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: қадоқловчи Мунисахон Бобоева янги маҳсулотни намойиш қилмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

### «Ишонч»га жавоб берадилар

#### ТАНҚИДДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ

«Етимлар ҳақини ким тўлайди?» сарлавҳа остида (газетамизнинг шу йил 8 август сони) бошилган мақолада Сирдарё сув қурилиш трестига қарашли «Толибжон» фермер хўжалиги раҳбари Асатилло Холбековнинг ишлаб чиқариш жараёнида фожеали ўлимидан кейин унинг оила-сиға тўланиши шарт бўлган тоvon пули турли ваъдалар билан ортга сузиллаётгани танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан тахририятимизга йўлланган жавоб хати қуйидагича: — Газета чиқиси «Сир-

дарёсувқурилиш» трести раҳбарлари билан биргаликда атрофлича ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, жорий йилнинг 30 мартда тоvon пулининг 200 минг, 21 август куни эса «Мирзачўл» масъулияти чекланган жамияти тоmonидан 100 минг сўми марҳумнинг ўғли Д.Холбе-

ков ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Трест бошлиги Б.Сувоннов зиммасига бор имкониятларни ишга солиб, тоvon пулининг қолган қисмини яқин кунларда юқоридаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Б.ТўРАБЕКОВ, Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари.

### АҚЛ БОВАР ҚИЛМАС ЁВУЗЛИК

Қалбим изтиробда, кеча тунни билан ухломмай чиқдим. Терроризм оқибатида АҚШда ақл бовар қилмайдиган ёвузлик содир этилди. Осмонўпар бинолар ер билан яқсон бўлди, минглаб кишиларнинг ёстиги қурди. Қани айтингчи, бундай хунрезликни содир этганлар ҳам инсон боласими?! Уларнинг ҳам ота-онаси, бола-чақаси борми? Фикримча, бу қадар мудҳиш ишга қўл урганлар инсон деган номга нолайиқ. Ярамас террорчилар одам қиёфасидаги махлуқлар, ваҳшийлардир. Ўзимча ўйлайман, ер юзидаги энг қудратли мамлакатлардан бири бўлган Америка Қўшма Штатлари

ҳам террорга қарши бир ўзи кураш олиб боришга ожизлик қиларкан-да... Таъкидлаш жоиз, муҳтарам Президентимиз катта минбарлардан туриб халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш лозим, дея даъват қилганларида қанчалик ҳақ эканликларига бугун яна кўпдан-кўп инсонлар ишонч ҳосил қилишди.

Америка ҳаётидаги даҳшатли кунлар шубҳасиз хар бир соф виждонли инсоннинг юрак-бағрини ўртади, даҳшатли ёвузликка нисбатан газаб уйғотди. Айни пайтда ҳаётда огоху хушёр бўлишга ундади.

И.ҲИҚМАТИЛЛАЕВ, меҳнат фаҳрийси.

# ИНСОН ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

**Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш, белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишда қасаба уюшмаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, Омбудсманнинг назорат фаолияти инсон ҳуқуқлари бўйича миллий масалалар, минтақавий, ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, социологлар, журналистлар томонидан амалга оширилмоқда.**

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида унга кўпгина та муурожаат келиб тушди. Ҳозирча инсон ҳақ-ҳуқуқи топталганлиги оид ҳар бешта муурожаатдан бири ижобий ҳал этилди, қолганларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Мақсад ва интилишлари муштарак бўлган бу икки нуфузли ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Бунда ўтган йил март ойида Омбудсман билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан ҳамкорлик қилиш борасидаги битим алоҳида рол ўйнамоқда. Унга мувофиқ давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунига амал қилишлари устидан назорат ўрнатиш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда. Саъй-ҳаракатлар зое кетмапти. Қанчадан-қанча фуқароларнинг мушукули осон бўлмоқда, муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Бир мисол. Усмон Юсупов туманидаги Оқмачит қишлоғида яшовчи Жўракул Рўзиев Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига муурожаат

қилиб, ишлаётган жойида унга нисбатан адолатсизлик қилинаётганлигини баён этиб, ёрдам сўраган. Мутасаддилар масъулият билан ишга қиришдилар. Маълум бўлишича, Ж.Рўзиевни

## Омбудсман ва қасаба уюшмалари

туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарилган. 2000 йил мартидан бошлаб эса у бош мутасаддис вазифасига ўтказилган. Лекин, бунинг учун унинг розиликни олинмаган. Боз устига, мутасаддисга у ишлаётган бўлим қисқартирилганлиги ҳақида бошқарма имзо чеккан хат йўлланган.

Ҳўш, таъкидланган штат нега қисқартирилди? Бундай ҳолатда ходимнинг умумий стаж, лаёқати, мутасаддислик бўйича диплом ва бошқа ҳижатлар инобатга олиниши лозим эди-ку. Республика Агроеконом мажмуи ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитасининг ходимлари бунинг синчиклаб ўрганиб, масалага оидинлик киритдилар. Ж.Рўзиев бўлим бошлиғи лавозимидан озод этилиб, бош мутасаддисликка ўтказилганда, Меҳнат Кодексининг 92-моддасига алоқадор бўлиб равишда бузилган. Шунингдек, олий маълумотли мутасаддис ўрнига ўрта махсус маълумотли киши тайинланган. Масала кўндаланг

кўйилгач, Ж.Рўзиев ўз вазифасига қайта тикланди, мажбурий ишлаган вақти учун ўртача маош ундириш ҳақида буйруқ чиқарилди.

Эндиликда тадбиркорлар, оддий касб эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, адолат учун қатъий курашмоқдалар. Кўйилган мисол фикримиз далилидир. Омбудсманга бухоролик фуқаро Саттор Назаров муурожаат этиб, унга тайинланган нафақа пулини оширишда амалий ёрдам берилишини сўраган.

Талаб ўринли эди. Сабаби, 2000 йил 1 августдан пенсияларни қайта ҳисоблаш вақтида туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг эътиборсизлиги оқибатида унинг оловли йилларда фронт ортида ишлагани учун берилмаган устама ҳақ қўшилмасдан қолган. Омбудсман ва қасаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан С.Назаровнинг ҳақли талаби қондирилди.

Тошкентлик фуқаро Т.Смолабочкина ўз хатида 1-уйсозлик комбинатида ишлаб, саккиз ойдан буён иш ҳақини ололмаётганидан шикоят қилган. Адолатни юзага чиқариш осон бўлмади. Комбинат раҳбарлари, мутасаддислар билан неча бор учрашиб, адолатни тиклаш йўллари изланди. Қонун барча учун баробар. Уни-бунинг баҳона қилаётган комбинат раҳбарлари охири-охирида айбларига иқроқ бўлдилар. Ишчига тўланмайдиган 101.182 сўм ойлик маош иш ундириб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида ҳуқуқ-тартибот ва суд

органлари фаолиятидаги камчиликлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Улар томонидан йўл қўйилган қонун бузилишлари оддий кишилар ўртасида норозиликлар уйғотаётганлиги адолатли танқид қилинди. Омбудсман ва қасаба уюшма фаоллари иш жараёнида бундай мисолларга ҳам рўбарў бўлишмоқда. Бухоролик Одил Турсунов ўз мактубида тергов органлари томонидан нотўғри айбланиб, судлангани ҳусусида қуноиб ёзган. Инсон тақдири билан боғлиқ масалага адолатли ёндашилди, унга нисбатан Ёшдувон туман судининг ҳукми бекор қилинди. Ушбу иш қайта кўриш учун Жондор туман судига юборилди.

Қорақалпоғистонлик Хатича Жангабаеванинг аризаси эса ўғли Алишернинг ҳарбий бурчини ўтаётган вақтида хизмат жойини ташлаб кетишда айбланиб, нотўғри жиноий жавобгарликка тортилганидан норозилиги ҳақида эди. Текшириш натижаларидан сўнг Алишер Жангабаевнинг мушукули осон этилди.

Ўз КУФК экспертлари Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили комиссияси аъзолари иштирокида ўтган йили қасаба уюшмаларига фуқаролардан тушган 1100 нафар ариза ва шикоятни ўрганиб чиқиб, аксариятини ижобий ҳал этишга эришди, - дейди Омбудсман ҳузуридаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси аъзоси, республика Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси раиси Зоиржон Қодиров. - Демак, ўзаро ҳамкорлик ўзининг қутилган натижасини бермоқда.

**Н.РАФИҚОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

## Бандлик дастури амалда

**Булоқбоши тумани меҳнат бўлими меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобат қила олмай-диган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2001 йилнинг биринчи ярмида 361 нафар кишини ишга жойлаштирди.**

рининг 190 та иш ўринларини тақлиф этишди. Шу кунги 128 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республи-

# ЯНГИ ИШ ҲИМОЯ ТАДБИРЛАРИ ҲИСОБИДАН

Бундан ташқари, ёшларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимояга олиш мақсадида туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Ўрта мактабни битирган ёшларнинг йил давомида бандлигини таъминлаш» дастури ишлаб чиқилиб, у шу йилнинг сентябр ойидан амалга оширила бошланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 407 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги «Энг кам миқдордаги иш ўринларини ажратиш тўғрисида»ги Қарори асосида тумандаги 22 та корхонадан 544 та иш ўрни ажратилиб, аҳолининг заиф қатламлари иш билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилиши устидан назорат олиб боришмоқда. Жумладан, амалдаги йилнинг биринчи ярмида «Текширишлари мувофиқлаштирувчи кенгаш» иш режасига киритилган 4 та корхонада юқорида кўрсатиб ўтилган қонун бажарилиши текширилди. Қонун талабларини бузган 2 нафар мансабдор шахсга тегишли чоралар кўрилди. Улардан 12250 сўм ҳамда туман прокуратурасининг қарорига асосан 20 нафар мансабдор шахсдан 140300 сўм миқдорда жарима ундириб олинди.

Ишсизларни, айниқса ёшларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоялаш масаласи диққат марказида турулди. Жумладан, Кони-мех тумани «Шўркўл» ширкат ҳўжалигидаги Мамакчи қишлоғига газ тармоғи тортилди. Қисқа вақт ичида 7,5 километрга қувур ётқизилиб, 100 дан ортиқ хонадон табиий газ билан таъминланди.

## ЧўЛ ЧИРОЙИ

Янгиобод, Қатагон қишлоқлари ҳам тўлиқ газлаштирилди. Туман марказидан юз-юз эллик чакирим олисда, чўл ҳудудида жойлашган «Кони-мех» ҳамда «Сарибел» қоракўлчилик ширкат ҳўжалиги марказида яшовчи аҳоли ҳам табиий газдан фойдалана бошладди.

(ЎЗА).

## Фармон ва ижро

қарилган, 162 километр иссиқлик узатиш тармоқлари, 35 километрли табиий газ қувурлари таъмирланган. Қарши шаҳрининг «Пахтазор» митти туманида 5,3 километрли сув тармоқлари қайтадан қуриб битказилди. Мавжуд 84 та уйнинг барчасига сув ўлчовчи асбоблари ўрнатилди. Бундай тадбирлар 1 ва 6 митти туманларда ҳам амалга оширилди. Шаҳар бўйича қарий 13 километрга ичимлик суви қувурлари ётқизилди.

Куриш ва таъмирлаш тадбирларига «Дунё-М» очик ҳиссадорлик жамияти 3 миллион, Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси 1 миллион, «Шўртанга» конлари бошқармаси 5 миллион сўмлик маблағ ажратди. Ичимлик суви тармоқларини қайта қуриш учун маҳаллий бюджетдан 78 миллион сўм, ҳомий

ярим йилликда 609 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 211 фуқаро ижтимоий ҳимояга олинди. Бундан ташқари, 429та кам таъминланган оилага 6 миллион 43 минг сўм миқдорда моддий ёрдам, 16 ёшгача болалари бўлган 3596 та оилага 67 миллион 961 минг сўм миқдорда нафақа пули берилди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга берилмаган пуллари тўғри берилишини назорат қилиш мақсадида тумандаги мавжуд 37 та маҳалла фуқаролар йиғинларида текширишлар ўтказилди ва аниқланган камчиликлар бўйича масъул ходимларга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Ўтган ярим йилликда меҳнат органларига муурожаат қилган 166 нафар фуқаро меҳнат бўлими қошидаги касб-хунар ўрганиш курсларига, жумладан, «Усто-шоғирд» мактабига жалб этилди. Бундан ташқари, ёшларни меҳнат қонунчиликлари билан таништириш мақсадида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида меҳнат бўлими ходимлари суҳбатлар ўтказдилар.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудларида 9 нафар меҳнат нозир иш олиб бормоқда. Улар ўз ҳудудларида аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, кам таъминланган оилаларга берилмаган моддий ёрдам ва нафақалар тўланишини назорат қилиб бормоқда.

Туманда 34 та корхона иштирокида шу йил 27 апрелда меҳнат бўлими, туман прокуратураси, ИИБ ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Унда корхоналар ўзла-

қаси Вазирилари Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 353-қарорига асосан тумандаги бош пиллаҳона билан тузилган шартномага асосан 20 киши жамоат ишига жалб қилинди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида туман ҳокимлигининг ташаббуси билан мактабларда битирувчиларнинг келгусида корхона ва ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарлари билан ўқувчилар ўртасида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, деҳқон-фермер ҳўжаликларини ташкил этиш, мавжуд корхоналарни тўла қувват билан ишлашни таъминлаш ҳисобида йилга ўрта ҳисобда 900-1200 та иш ўринлари яратилмоқда. Яратилаётган иш ўринлари асосан қишлоқ жойларига тўғри келаяпти. Масалан, меҳнат бўлими қошидаги «Усто-шоғирд» мактабига 250-300 нафар битирувчи ёшлар ўзига маъқул бўлган касб-хунарни эгаллаб, яқка тартибда меҳнат билан шуғулланмоқда.

«Янги иш жойларини барпо қилиш» Дастурига 2001-2005 йилларда давлат бюджетидан янги иш жойлари барпо этилмаслигини киритганмииз, - дейди туман меҳнат бўлими бошлиғи И.Норматов. - Жорий йилдан яратилиши кўзда тутилган салкам 500 та янги иш ўринларининг барчаси мутасаддисларнинг таҳлили ва тавсиялари асосида биноан иқтисодиётнинг муқобил турларида яратилади ва бу мақсад учун тадбиркорлар ҳисобидан 40 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.

**Ортик САИДОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

## НАМУНАЛИ ГУЗАР

Сариосиё тумани марказида замонавий иншоот қад кўтарди. Уни туман матлубот савдо ҳиссадорлик жамияти 45 миллион сўмлик маблағ сарфлаб, ўз ҳисобидан қурди.

Мазкур бино республика миқёсидаги мустақиллигининг 10 йиллик тўйига совғамиздир, - дейди жамият раиси Раҳима Бобоева, - Ушбу маскани биз «Савдо гузари» деб номладик. Унда тижорат, деҳқон бозори, сартарошхона, оталар чойхонаси ҳамда 7 та савдо дўкони, ресторан, қаҳвахона жойлашган.

Уларни қуриш учун Алижон Тилъов бошлиқлигидаги бригада тузилди. Бунёдкорларга махсус кийим-бош бепул берилиб, кўнига 2 маҳал иссиқ оғак ташиқ этилди. Ҳиссадорлик жамияти қасаба уюшма кўмитасининг раиси Боймурод Ҳолов бу ишларга бош-қош бўлди. Шунингдек, ҳар ойда бажарилаётган ишнинг сифатига қараб илгорлар рағбатлантириб борилади.

Мазкур гузар республика миқёсидаги сариосиёликлар учун ҳақиқий тўхфадир. Чунки туманда 75 нафар фуқаро иш билан таъминланиб, юз мингдан зиёд туман аҳолисига эса қулайлик яратилди.

**Д. РУСТАМОВ.**

## «ОЙЗОДА» 10 ЁШДА

«Ойзода» тикувчилик фирмаси ташкил этилганига 10 йил бўлди. Фирмада қорақалпоқ халқининг миллий кийим-кечаклари: чопон, бешбент, эриқ ва аёллар тақияси, қора қалпоқ, дегелей бош кийими, келинчақлар тўйда кийилган сажделе сарғоси тикилмоқда. «Ойзода»нинг тикувчи қизлари ҳар қандай меҳмонлар учун буюртма асосида миллий либослар ҳам тикиб беради.

Ҳали комфирка сийсати ҳукм сураётган пайтлар эди. Мен Давлат меҳнат кўмитасида ишлардим, - дейди фирма директори Ойзода Удербоева. - Юқоридан ишсиз хотин-қизларни ижтимоий фойдаланиш мақсадида жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот талаб қилишар эди. Биз фойзалар кўрсатилган ҳужжатларни Москвага ҳам берадик. Бир неча марта маҳаллий саноат ишлаб чиқариш вазирига турли тақлифлар киритдик. Натижаси бўлмади. Уша йили баҳорда ишсиз юрган уй бекалари тўланиб, тикувчилик цехи очилиш тақлифи билан чиқилди. Бажонидил рози бўлдим. Бу орада ишсиз ача-юрчилик қолди. Аммо шаҳар янги ҳўжат кўрсатиш уюшмаси фаолиятинизга тўсқинлик қила бошлади. Бахтиямизда мустақилликка эришиб, эмин-эриш меҳнат қилиш шароити яратилди.

(ЎЗА).



Кўргонтепа туманидаги «Само» ип йигирув тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти банкрот бўлганди. Туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан Муроджон Қирғизбоев раҳбар этиб тайинлан-

гач силжишга эришилди. Корхонада бугунги кунда ишчи ўрни 968 тага кўпайди.

Корхонада пахтани қайта ишлаб, 13 хил маҳсулот тайёрланмоқда. Яқинда со-

чиқ, бўз бўяш, тикувчилик цехлари ишга туширилади.

**Суратда: ип йигирувчи Қандихон Раҳимова.**  
**Т.ҲАМРОҚУЛОВ**  
**олган сурат.**

# ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

**Мамлакатимизда аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш тизимида ислохотларни чуқурлаштириш концепцияси ва бозор механизмларини жорий этишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.**

Қашқадарёда ҳам аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларини бозор муносабатларига мослаштириш мақсадида бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Уй-жой кодекси», «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида», ги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу соҳада туб ўзгаришлар асади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чу-

қурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва Вазирилари Маҳкамаси қабул қилган қарорини амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди.

Давр талабидан келиб чиқиб аввалги коммунал бирлашмалар негизида жойларда бошқармалар ташкил этилди ва ҳокимликлар тасарруфига ўтказилди. Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига шу йилнинг феврал ойида ёш муҳандис Салоҳиддин Ҳикматов раҳбар этиб тайинланди.

Вилоят «Сув оқава», «Иссиқлик манбаи», дре-

наж-сизот сувларини қочириб корхонаси, шаҳар ва туманларни ёритиш билан шуғулланадиган «Нур» идораси ва бошқа хизмат кўрсатадиган тармоқлар фаолиятини йўлга қўядиган ушбу ташкилот, янгидан қабул қилинган Низом асосида иш олиб бормоқда.

Унинг тасарруфида 1398 та кўп қаватли уй бўлиб, улардан 1565 таси 68 та турар-жой ширкатига бирлашган. Қолганлари эса йил охирига қадар ширкатларга ўтказилди.

Вилоят бўйича ободонлаштириш тадбирларига бир йилда 338 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳозирги эҳтиёжларни тўлиқ қондиришга етмайди. Демак, аҳолига кўрсатилаётган хизматларни маблағ билан қоп-

лаш учун фуқаролар йиғинлари ва уй-жой мулкдорлари ширкати билан шартномалар тузиш керак.

Айни пайтда вилоятда 2 миллион 200 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларига яраша иш юритиш мақсадида жойлардаги бошқармалар ўз фаолиятларини тубдан ўзгартдилар. Шаҳрисабз туман коммунал фойдаланиш бошқармасида бу борада олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Бошқарма имкониятларини излаб топиб, йилнинг ўтган даврида 2 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олди.

Бирок, Баҳористон, Деҳқонобод, Фузур, Қамаш туманларида табиий газ ва ичимлик суви таъминотида узилишларга барҳам

берилмаётгани ачинарлидир. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти сулғули боис чиқарилган ўз вақтида ташиб кетилмаётди. Қишлоқлар ва маҳаллаларни ободонлаштиришга етарли эътибор берилмаяпти. Коммунал хизматлар учун тўловлар вақтида йиғиб олинмаётди. Бу эса тезда зарур чоралар кўришни тақозо этади.

Тасарруфимизда 1435 километр йўл ҳўжалиги, 1007 километр йўлқалар, 3265 гектар кўкаламзорлаштирилган майдонлар, 629 километр ирригация-суғориш тармоқлари, 14 минг 370 та қўйма чироқлар мавжуд, - дейди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи.

Раҳбарнинг айтишича қиш мавсумига 75 та қозонхона таъмирдан чи-

қарилган, 162 километр иссиқлик узатиш тармоқлари, 35 километрли табиий газ қувурлари таъмирланган. Қарши шаҳрининг «Пахтазор» митти туманида 5,3 километрли сув тармоқлари қайтадан қуриб битказилди. Мавжуд 84 та уйнинг барчасига сув ўлчовчи асбоблари ўрнатилди. Бундай тадбирлар 1 ва 6 митти туманларда ҳам амалга оширилди. Шаҳар бўйича қарий 13 километрга ичимлик суви қувурлари ётқизилди.

Куриш ва таъмирлаш тадбирларига «Дунё-М» очик ҳиссадорлик жамияти 3 миллион, Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси 1 миллион, «Шўртанга» конлари бошқармаси 5 миллион сўмлик маблағ ажратди. Ичимлик суви тармоқларини қайта қуриш учун маҳаллий бюджетдан 78 миллион сўм, ҳомий

ташкilotлар томонидан 102 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, аҳолидан коммунал тўловлар учун пул тушумини яхшилаш мақсадида 369 та маҳалла кўмитаси билан шартномалар тузилди. Лекин, газ ва сув тўловларини ундириш бўйича айрим маҳалла кўмиталари етарли ташкилотчилик кўрсатмаётгани ҳам таъкидлаш лозим. Вилоятнинг чўл ва олис туманларида қозонхоналарни ҳамда иссиқлик узатиш тармоқларини таъмирлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Уйлаймики, қашқадарёлик коммуналчилар ўз вазибаларини виждонан адо этиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

**Ўзат ХИКМАТОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

**Кўпинча хушчакка кайфиятда юрадиган яқин дўстимни ўйчан ҳолатда кўриб хайратландим. Маълум бўлишича, уни раҳбарликка қўтаришмоқчи экан. «Лекин бунинг нимаси ёмон?» Каранги, шу маънода сўз бошлаганимки, у баттар тутатди: «Ахир, мендан қандай раҳбар чиқари. Раҳбарлик касб эмас, санъат. Худо берган иқтидор бўлмаса, кўпга бош бўлиш ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермайди».**

Ушанда уни гапга кўндиролмаган эдим. Аммо яқинда бир корхона, тўғрироғи, унинг раҳбари фаолияти билан танишгач, дўстимнинг юз бора ҳақ эканига ишонч ҳосил қилдим...

Пискент туманидаги «Ёкуббек» корхонаси бошлиғи Абдусаттор Рашидовни тўғма раҳбар десак муболага бўлмайди. Чунки у тўққиз йилдики, хусусий корхона раҳбари сифатида омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатяпти.

1976 йилдан Пискент шаҳридаги «Агрокоммунириштаъмир» корхонасида уста сифатида ишлаётган Абдусатторни 1982 йили жамоа бир овоздан ўзига етакчи этиб сайлади. Ушанда корхона қоқлар сафиди эди. Лекин кўп ўтмай у оёққа тура бошлади. Дастлаб молиявий аҳвол яхшиланди, техника сотиб олинди. Замоनावий идора, қурилиш материаллари учун оморхона, ёғочсозлик чеки ва бошқа қўшимча бинолар корхонанинг ўз маблагини ҳисобидан қуриб битказилди.

Узоқни кўзлаб иш юритган А.Рашидов гишт ишлаб чиқариш цехини қуриб ошга тўширишни жамоа олдига муҳим вазифа қилиб

қўйди. Натижада қисқа муддатда бир эмас, иккита цех фойдаланишга топширилди. Ёрдамчи хўжалик ташкил этиш мақсадида 2-цехнинг сўл томонидаги очик майдонда 100 бош чорвага мўлжалланган молхона қурилди.

## «Саодат уйи»

ёшларга энг яхши тўхфа

Даромадга қараб буюрмад. Бир пайлар ўзи ночор аҳволда бўлган корхона бугун кўмакка муҳтож оилаларга, ёлғиз яшовчи қариялар ва ногиронларга беминнат ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, М.Юсупов, Ф.Шокирова, Ф.Файзионов каби ёлғизларга 4 хонали уй-жой қуриб берилди, корхона раҳбари ташаббуси билан йигирма нафардан ортиқ етим ва кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Айниқса, шаҳарда қад ростлаган «Саодат уйи» ёшларга муносиб тўхфа бўлди. Ниҳоят маросимларини ўтказишга мўлжалланган икки қаватли 300 нафар кишини ўз бағрига сиғди-

## Ўз ўрнини топган кишилар

ра оладиган бу қошона қурилишига корхона 200 миллион сўм маблағ сарфлади. У билан бир пайтада иш бошлаган шаҳар деҳқон бозори қурилишида ҳам корхона жамоаси фаол иштирок этди. Бозор кўрмага кўрк қўшган икки қаватли, пастки қисмида 100 ўринли қариялар чойхонаси, устки қисмида тиш довлаш шифохонаси жойлашган бинога эса корхона ҳисобидан 25 миллион сўмлик маблағ

софадаги йўлларга асфальт ётқизилгани бунинг ёрқин далилидир. Дарвоқе, корхона 4-ўрта мактабни ўз оталиғига олган. Аълочи ўқувчилар корхона ҳисобидан рағбатлантирилиб борилмоқда. Бу ўз навбатида мактабда таълим-тарбия ишлари савиясини оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан А.Рашидовга берилган «Халқ таълими фидойиси» кўрак нишони куюнчак раҳбар, қолаверса корхона саховатига билдирилган эҳтиромдир.

Айтганча, корхона ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урди. «Соғлом авлод учун» марказининг таянч пунктига икки қаватли муҳташам мактабни ҳаёда этди.

«Ёкуббек» хусусий корхонасининг асосий фаолияти гишт ишлаб чиқаришдан иборат. Ўтган йили режадаги 7,8 миллион дона ўрнига, 8,1 миллион дона ёки 57,3 миллион сўмлик гишт ишлаб чиқарилди.

Жамоанинг келгуиси режалари янада катта. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда замонавий бинолар ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган завод қуриш, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очиш шулар жумласидандир.

**Шавкат АБДУЛЛАЕВ,**  
«Ишонч» мухбири.

Олти ойдири. Болқон ярим оролининг жанубида жойлашган гўзал ва қадимий юрт — Македонияда нотинчлик. Катталиги жиҳатидан мамлакатда иккинчи ҳисобланган Тетово шаҳри атрофида ҳукумат қўшинлари билан Косоводаги албанларнинг «халқ озодлиқ армияси» жангчилари ўртасида отишмалар бўлиб турибди. Бу ерда биринчи жиддий ҳарбий тўқнашув шу йилнинг март ойида бўлган эди. Шундан бери вазият нотинч. Август ойининг ўрталаридан бошлаб можарони тинч йўл билан бартараф этишга қаратилган амалий ҳаракатлар авж олдириб юборилди. Ҳозир ана шу жараён ҳал қилувчи босқичда. Биз бу жараённинг боришини шарҳлашдан олдин Македонияда нега шундай вазият юз берганлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Югославиянинг парчаланиши кўп вақт тўқнашувларга сабаб бўлди. Илгари шу давлат таркибида бўлган мустамакка республикаларнинг ажратиб чиқиш жараёнида уруш олови гоҳ ўчиб, гоҳ қайтадан аланга олиб турди. Бунинг негизда асосан ҳудудий даъво ҳамда этник низо ётарди. Буюк давлатчилик ҳамда буюк миллатчилик шовинизм билан заҳарланган баъзи кучлар эса уришаётган томонларни рағбатлантириб турарди. Ана шундай қалтис вазият ҳужум турганида биргина Македония конли тўқнашувлардан ҳоли бўлди. Бироқ қўшни республикалардаги урушлардан азият чеккан қочоқларга бу мамлакат ўз бағрини кенг очиб қўйди. Атиги икки ярим миллион аҳолиси бор бу кичик давлат юз минглаб қочоқларни қабул қилиб олди. Бошқача қилиб айтганда, Македония Болқон ярим оролидаги урушга ётган давлатлар учун ўзига хос бартараф Швеция вазираси бажарди.

## ОХРИД АҲДЛАШУВИ АМАЛДА

**Македония: фуқаролар урушининг олди олинди, ҳукумат билан албан жамоаси муроа йўлини танлади, конституциявий ўзгаришлар жараёни бошланди**

Аммо «халқ озодлиқ армияси» жангарилари Македония ҳудудини бутунлай тарк этишмади, чунки мамлакат аҳолисининг бир қисми албан жангариларини қўллаб-қувватлади. Армиянинг 35-40 фоизи албан миллатига мансуб ҳарбийлар бўлиб, уларнинг бир қисми жангарилар томонига ўтиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Ҳақиқатан ҳам Тетово албанлари ўз миллатдошлари — албан жангариларига душманлик назари билан қарашмади. Натижада вазиятни баҳолашда мамлакатдаги албан ҳамда македониялик жамоалар ўртасида қарама-қаршилик келиб чиқди. Македония албанлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга қилиб, мамлакат конституциясини ўзгартириш талаби билан чиқишди. Вазият тобора мураккаблашиб бораверди. Ҳатто фуқаролар уруши хавфи пайдо бўлди.

Македонияликлар билан албанларни муроаса келтириш учун халқроқ воситачилирнинг ёрдамига зарурат туғилди. Сиёсий инқироздан чиқиш ҳамда ҳавфсизлик муаммосини ҳал этиш мақсадида Македониядаги асосий ва ҳарбий кучлар вакиллари АҚШ ҳамда Европа Иттифқи воситачилигида Охрид шаҳрида музокара олиб бордилар ва шу йил 13 август куни аҳдлашувга имзо чекдилар. Шунга қўра, мамлакат парламенти албанларнинг манфаатини кўзлаб уч босқичда Македония конституциясига ўзгартиришлар киритиш ва шу жараёнда албанларнинг «халқ озодлиқ армияси» жангчилари ихтиёрий равишда ўз қуролирини НАТО кучларига топширадilar. Шу мақсадда Македония ҳудудига НАТОнинг 3,5 минг кишилики тинчлик ўрнатувчи кучларини киритиш кўзда тутилди.

Охриддаги музокарада мамлакатда бошқарув тизимини такомиллаштириш, аҳолининг рўйхатга олиш, аҳолининг камидан 20 фоизини албанлар ташкил этган жойларда албан тилига давлат мақоми бериш, давлат идораларида ишлатган, айниқса, маҳаллий полиция тизимларида хизмат қилаётган албанлар урушини ошириш сингари албан жамоаси қўйган шарт-

## Сиёсий шарҳ

ларга иккинчи томон рози бўлди ва бу аҳдлашув ҳужжатига ақс этди. Македония конституциясига ўзгаришлар киритиш эса албан жангарилари ўз қуролирини топшириш жараёни билан бирга босқичма-босқич амалга оширилади ва бу бир ой давом этиши мумкин. Албанларнинг «халқ озодлиқ армияси» жангчилари тўлиқ қуролсизлантирилиб бўлганидан кейин янги конституция кучга кириди.

НАТО ўз зиммасига юкланган маъсулиятли вазифани бажаришга шу йил 25 август куни киришди. Буюк Британия ҳарбийлари бошлиқ 1800 кишилиқ асосий гуруҳ (француз ҳарбийлари ҳам бор) Македонияга келди. Чехия, Германия, Венгрия, Италия, Голландия, Норвегия, Испания, Туркия, АҚШ ҳарбийларидан иборат қолган 1700 кишининг келиши кейинги босқичга қолдирилди.

Ҳарбийлар Македониянинг бир неча районларига жойлашиб, қурол топширувчилар учун 15 та қабул пункти очиб қўйишди. Бош штаб эса пойтахт Скопьега яқинроқ ерга жойлашди. Биринчи кун албанларнинг «халқ озодлиқ армияси» жангчилари НАТО ҳарбийларига ихтиёрий равишда 400 дона ўқ отиш қуролини топширишди. Иккинчи кун эса бу кўрсаткич 446 тани ташкил этди. Аҳдлашув ҳужжатида қайд қилинганга қўра, албанлар жамаи 3300 та ўқ отиш қуроли, иккита танк, иккита БТР ва бир неча пушкани топширишлари керак. Бу жараён давом этапти. Бироқ жараённинг бориши ва қуролининг сони Македония ҳукуматини қониқтирмапти. Бош вазирнинг тахминича, албанларда камида 60 минг дона қурол бор. НАТО ҳарбийлари эса 3300 рақамда қатъий туришибди. Энг муҳими, қурол топшириш жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Топширилган қуроллар сони биринчи босқичда кўзда тутилганидан ошиб кетди. Демак, мамлакат парламенти янги конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича муҳокамани тугатиб, уни қабул қилиш жараёнини бошлаши зарур.

Охриддаги аҳдлашувнинг барча бандлари ўз вақтида ва тўлиқ, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз ижросини топади десак, шубҳасиз, муболага қилган бўла-ми. Ҳозирги Македония турли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мақсадлар, турли диний ва этник манфаатлар, юзага келган вазиятга баҳо беришда эса турли нуқтаи назарлар кесилган мураккаб мамлакат. Шунинг учун ҳам аҳдлашувда қайд қилинган вазибаларни амалга оширишда баъзи бир қийинчиликлар юз бериши эҳтимоли бор. Бунга табиий ҳол, аҳдлашувни амалга ошириш жараёнида бартараф этиш мумкин бўлган ҳолат деб қараш керак. Муҳими, мамлакатда фуқаролар урушининг олди олинди, ҳукумат билан албан жамоаси ўртасида муроаса келинди, конституциявий ўзгаришлар жараёни бошланди. Шунинг билан айтиш мумкинки, БМТнинг чекланган миқдордаги тинчлик кучлари ва НАТО ҳарбий бўлинмалари бу ерда яна уруш олови аланга олишига йўл қўйишмайди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
сиёсий шарҳловчи,  
«Туркистон-пресс».

## «ТИКО» МУБОРАК



И.ХАСАНОВ олган сурат.

моа шартномасига мувофиқ оилавий пудратчиларга экин парвариши пайтида хўжалик ҳисобидан ҳар кун икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилди. Мавжуд 6 та дала шийпони ишловчиларнинг иккинчи уйига айлантирилган. Уларда телевизор, радио бор, кундалиқ матбуот нашрлари вақтида келтирилади.

Аҳил жамоа аъзоларининг нияти улғу. Заршунослар йиллик режани икки хисса ошириб башаришга қарор қилишган. Айни пайтда оилавий пудратчилардан Тўхта Жўраев, Баҳром Шарипов, Даврон Эшмуродов, Рашид Қурбоновлар пешқадамлик қилмоқда. Илғорлар рангли телевизор, магнитофон ва гилам билан тақдирланди.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ишонч» мухбири.

## 1 МИЛЛИОН 650 МИНГ СЎМЛИК ХАЙРИЯ

Савоб ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак. Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими кам даромадли оилалар, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар ва ногиронларга доимий мадад кўрсатиб келмоқда.

Жамғарма раиси Нисом Бегматовнинг ташаббуси билан яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қарши туманидаги Тамир Мирзаев номли боғдорчилик-узумчилик хўжалиги жамоаси билан ҳамкорликда вилоятнинг болалар, кардиология, онкология, юкумли касалликлар, сил ва рухий касалликлар шифонахоналарида даволанаётган беморларга, мактаб интернатларига ҳўлмава ва узум тарқатилди. Жамғарманинг бу ҳиммати кўпчиликни мамнун қилди.

Умуман йил бошидан бери «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлими ногиронлар ва беморларга, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга 1 миллион 650 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатди.

ЁЛКИН.

## Шу йилнинг апрел ойида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, кейинроқ эса, Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Ҳўш, ўтган давр мобайнида Қорақўл туманида бу борада қандай ишлар амалга оширилди.

«Қорақўлгазтаъминот» корхонасида жорий йилнинг биринчи чораги якунларида келтирилган маълумотларга қараганда дебиторлик қарз қарийб 250 миллион сўмга етиб қолган эди.

— Корхонамиз асосан аҳолига хизмат кўрсатади. Бизда умумий абонентлар сони 15540 та. Бир ойлик газдан фойдаланганлик учун умумий тўлов миқдори ўртача 10,7 миллион сўмни ташкил этади. Очигини айтганда, йилнинг биринчи ярми, айниқса, дастлабки чораги кўрсатишлари талабдан анча орқанда эди. Шу боис вазифага маъсулият билан ёндашдик. Энг аввало газ тўловларини иш

ҳақидан ундиришга эътибор қаратилди. Бунинг самараси тезда кўринди: жамоатчилик фикри ва муносабати ижобий томонга ўзгарди, — дейди корхонаси бошлиғи Маҳмуд Жумаев.

Ҳа, мазкур идоранинг назоратчи, етакчи мутахассислари, ҳокимлик вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фаолларидан иборат гуруҳ аъзолари сидқидилдан фаолият кўрсатдилар. Масалан, апрел ойида туманда аҳоли газдан фойдалангани учун тўлаган пул миқдори атиги 6,8 миллион сўмни ташкил этилган бўлса, май ойида бу рақам 52,4 миллион сўмга етди. Июн ва июлда туман янада ошди. Туман халқ таълими

бўлими, марказий касалхона, «Қорақўлтекс» корхонаси ишловчиларининг газ тўловларидан қарздорлиги қисқа фурсатда бартараф этилди. Шунингдек, Ёдгор Сафа-

## ГАЗ

ҳақини қачон тўлайсиз?

ров номли, Охунбобоев номли, «Сайёд» ширкат хўжалиқларининг раҳбарлари ҳам бу борада газиқларга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бу хўжалиқларнинг ҳар биридани 7-10 миллион сўмдан шу мақсадлар учун маблағ кўчирилди. — Белгиланган тартибда тўловлар ижросини таъминлаш жамоамиз аъзоларига анча енгилликлар яратди, — дея суҳбатга қўшилди корхона касба уюшма қўмитаси раиси Зоир Собиров. — Энг аввало иш ҳақини

вақтида олиш имконига эга бўлди. Қолаверса, шартнома асосида пул йиғишга жалб этилганлар моддий жиҳатдан рағбатлантириляпти. Яна бир эътиборли то-

## «Ишонч» фойда этади

таъминот» шўба корхонасида тамомила бошқача манзарани қуриб, ажабландик. Қорақўл, Жондорда газ таъминоти идоралари назоратчи, мутахассис ва абонентлар билан кечга қадар гажум бўлса-да, Олотдаги идорада тушлукдан кейин жимжитлик ҳукм суради. Биз борганимизда «Олотгазтаъминот»да бўлим бошлиғи Бўзўғлон Жумаевдан бўлак ҳеч қим йўқ эди.

Раҳмат Ботиров номли ширкат хўжалиги қарздорлар рўйхатида «пешқадам» экан. Ҳўжалик бошқаруви ҳам, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, қолаверса, назоратчи А.Қурбанов ҳам бошланган ишни охирида етказишни ўйламаётган кўринади. Йўқса, аҳолининг газдан фойдаланганлик учун қарздорлиги шу йилнинг олти ойида 9,1 миллион сўмгача бормас эди. Бу ёғи эса куз, ҳадемай

қий бошланади. Яна бир гап. Қишли-қировли кунларда газ меъёрида етказиб берилиши учун аввало ҳисоб китобни тўғрилаб қўйиш керак. «Ўзгазсотиш» Бухоро шўба корхонасининг Олот бўлими ходимларини ҳам шу кун кўп излашга тўғри келди. Қиссадан ҳисса шуки, олтилик мутасаддиларнинг «фаолиятини» кўнглидагидек, деб бўлмайди. Бундай деъишимиз боиси, шу пайтгача туман хонадонларининг 80 фоизга яқини газлаштирилган, холос. Устига устак мазкур туманда 2001 йилнинг биринчи июлигача газ тўловларидан қарздорлик 53 миллион сўмдан ошган. Буни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди.

**Усмон НАВРЎЗ,**  
«Ишонч» мухбири.

## АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ

Қорақалпоғистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузурда тадбиркорларни маълумот ва маслаҳатлар билан қўллаб-қувватловчи марказ ташкил этилган. Замоनावий техника ва ускуналар билан жиҳозланган марказда малакали ходимлар, ҳуқуқшунос маслаҳатчилар иш юритмоқда.

— Марказимизда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, яқна тартибда фаолият юритувчи ҳар қандай тадбиркор учун зарур маълумотлар топилади, — дейди марказ директори Озод Пурханов. — Кичик корхоналар ўзлари етиштирган маҳсулотларини бизнинг компьютерларда бепул жойлаштиришлари мумкин. Бизда мамлакатимиз ичидидаги ўзига хос ахборот тизими ишлаб турибди. Улар истаган бозордаги нарх-наво, зарур маҳсулотларнинг миқдори ва баҳоси тўғрисидаги маълумотни олиш имкониятига эга.

(УзА)

Теннис бўйича «Президент кубоги» VIII халқаро турнири кундалиги



БАСТЛ, КИФЕР БУТТЭР – ТОМОШАБИН

гизда бўлса, 1999 йилги б е л л а ш у в л а р д а швейцариялик Жорж Бастл саралаш бахсларида финалга қадар бўлган йўлни босиб ўтиб, турнир кашфиётига айланганди. Бу йилги бахслар ҳам шу каби ҳолатларда мустасно бўлмаётди. Айнан ўша Жорж Бастл ҳамда германиялик Николас Киферларнинг яққалик бахсларида кураши тўхтатишга мажбур бўлганликлари турнирнинг илк кутилмаган натижаси десак муболага эмас. Шунингдек, асосий сетка мусобақаларининг иккинчи кунда турнирнинг саккизинчи рақамли иштирокчиси, франциялик Жулиен Буттэр ҳам томошабинлар қаторидан ўрин олди. Утган турнирларда мухлислар олқиши, мутахассислар эътирофига са-

зорвор бўлган арманистонлик Саргис Саргисян кучли рақиб устидан 6/4, 6/4 ҳисобида ғолиб келди. Шунингдек, у ғолибона юришини кейинги босқичда ҳам давом эттирди. С.Саргисян ва Италия теннисчиси Ж.Поцци ўртасидаги учрашувда 6/2, 7/5 ҳисоби қайд этилди. Кейинги шов-шув эса ҳамюртимиз Олег Огородов томонидан амалга оширилди. У турнирнинг еттинчи теннисчиси италиялик Давид Сангуинеттини 7/6, 7/6 ҳисобида доғда қолдириб, биринчи марта 1/16 босқичга йўлланма олди. Россиялик теннисчилар — Марат Сафин ва Евгений Кафельников биринчи босқичда ишончли ғалабани қўлга киритди-

лар. Шунингдек, 1/8 финал босқичига Ш.Шалькен (Нидерландия), П.Шричапхан (Таиланд), Д.Хрбаты (Словакия)лар ҳам йўл олишди. Жуфтлик бахсларида эса томошабинлар кўйидаги натижалар гувоҳи бўлишди: Т.Шимада (Япония) ва М.Вакефельд (ЖАР) — Р.Шуитлер (Германия) ва М.Южний (Россия): 6/3, 4/6, 6/3, М.Росси (Швейцария) ва М.Сафин (Россия) — Ж.Эрлих (Исроил) ва А.Рам (Исроил): 6/4, 2/6, 6/3, О.Огородов (Ўзбекистон) ва Д.Вацек (Чехия) — Т.Кибулич (Чехия) ва П.Лука (Чехия): 6/1, 6/2. Мусобақалар давом этмоқда. Камол Оллоёров, «Ишонч» мухбари.



Кува туман «Анор» халқ ашула ва ракс дастаси 36 йилдан буён элга хизмат қилиб келади. Даста ижодкорларини Белгия, Голландия, Болгария, Туркия, Миср, МДХ давлатлари санъаткорлар учун янада омадли келди: республика халқ ашула ва ракс дасталари танловида «Анор» олий ўринни олишга мушарраф бўлди. Суратда: туман маданият бўлими мудири Хусанбой Қўчқоров даста иштирокчилари дастасида. Бахтиёржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАРАТ САФИН

1980 йил 27 январда Москвада туғилган. Айни пайтда Монте-Карлода яшайди. Бўйи 193 см, вазни 88 кг. Унғ қўли билан ўйнайди. 1997 йилдан бошлаб профессионал теннисчи. Бу вақт мобайнида у 129 марта рақибларини мағлуб этган, 78 учрашувда имкониятни бой берган. Фаолияти давомида, аниқроғи, шу йилнинг 27 августига 5 миллион 54 минг 910 доллар миқдорда маблағ ишлаган. М.Сафин 2000 йилнинг 20 ноябрда шахсий кўрсаткич бўйича АТП рейтингда биринчи ўринга кўтарилди.

ЕВГЕНИЙ КАФЕЛЬНИКОВ

1974 йилнинг 18 февралда Россиянинг Сочи шаҳрида туғилган. Ҳозир ҳам шу ерда яшайди. Бўйи 191 см, вазни 83 кг. Унғ қўли билан ўйнайди. 1992 йилда профессионал теннис оламига кириб келган. 2001 йилнинг 27 августига бундан 19 миллион 148 минг 490 доллар миқдорда маблағ соҳиби. Шахсий бахслардаги энг юқори рейтинг — 1-ўрин (1999 йил 3 май). Ҳозирги пайтда эса АТП рейтингда 388 очко билан олтинчи ўринда бормоқда. Жуфтлик разрядида энг юқори кўрсаткичга 1998 йилнинг 30 мартда эришган: 4-ўрин.

Танишинг: турнир қатнашчилари

2001 йилнинг 27 августига бўлган рейтинг — 3-ўрин. Жуфтлик бахсларидаги энг юқори кўрсаткичи эса 91-ўрин (2000 йил 6 ноябр). Марат Сафиннинг фаолиятида энг муваффақиятлиси 2000 йил ҳисобланади. Утган мавсумда у АТП сериясидаги етти турнирда зафар кўчди. Россиялик ракетка устасининг ажайиб ўйинлари АҚШ Очик чемпионатида қўлга киритилган ғалаба билан якунланди. Шуниси таъкидга лойиқки, Марат Сафин финалда машҳур теннисчи Пит Сампрасга битта ҳам сетни бой бермай, ғолиб бўлди. Бу америкалик теннисчининг биринчи ва энг аламли мағлубияти эди. Мана шу муваффақиятдан сўнг М.Сафин «Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги»да ғолиб чиқиб АТП рейтингини бошқарди, йил натижасига қўра иккинчи ўринни эгаллади. Фақат афсонавий немис теннисчиси Борис Беккергина шу ёшда ана шундай ютуқларга эришганди. Бундан ташқари, Барселона, Мальорка, Торонто, Санкт-Петербург, Париждаги Очик чемпионат, Гамбург, Колпенгаген, Москва, Мастерс Ролан Гаррос кубоги, Вена каби турнирларда шохсупага кўтарилган М.Сафин мавсум давомида 3 миллион 524 минг 959 доллар миқдордаги маблағни қўлга киритди. Ўзбекистонлик теннис мухлисларининг «ёқимтойи»га айланган Марат Сафин, афсуски, жорий мавсумда кўнглидагидек иштирок эта олмаяпти. Бироқ, «Президент кубоги-2001»нинг биринчи рақамли теннисчиси — россиялик ёш ракетка устасининг барча ютуқлари ҳали олдинда.

Евгений Кафельников шахсий биринчилик беллашуварларида

Колпенгаген, Аделаида, Лонг-Айленд (1994), Милан, Санкт-Петербург, Лонг-Айленд (1995), Аделаида, Прага, Франция Очик чемпионати, Лион (1996), Галле, Нью-Хейвен, Москва (1997), Лондон, Галле, Москва (1998), Австралиядagi Очик чемпионат, Роттердам, Москва (1999), Москва, Сидней олимпиадаси (2000), Марсел (2001) каби турнирларда ғолиб бўлган. Россиялик теннисчини бежизга АТПнинг буюк механикаши дейишмайди. Zero, у мана олти мавсумдири, яқна ва жуфтлик бахсларида ҳаммадан кўп ўйинларда иштирок этмоқда. Умуман, теннисчининг таъкидлашича, мусобақалар орасидаги танафуслар ўзини мохир ракетка устаси деб билган спортчиларда ўйин суръати ва тажрибасини йўқотишга сабаб бўлади. Шу боис бўлса керак, Е.Кафельников имкон қадар барча мусобақаларда қатнашишга ҳаракат қилади. Бу йилги «Президент Кубоги» бахсларида тўртинчи бор иштирок этаётган сочилик теннисчи ўз олди-га фақат ва фақат ғолибликни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган. Яхши ният — ярим давлат: шоядки, Тошкент турнирининг иккинчи рақамли теннисчиси тез кунларда ҳурмат шохсупасига кўтарилса.

Биласизми? СУНЬИЙ БЎЁҚ

Газламаларни бўйш учун ишлатилган табиий бўёқлар (индиго, ализарин, кармин ва бошқалар) жуда қадим замонлардан бери маълум. Бу бўёқлар кам бўлганлиги ва қимматлилиги туфайли сунъий бўёқлар ишлаб чиқаришга тўғри келди. Бу хил сунъий бўёқлар кўмирни кокслаган натижасида тайёрланади. Илгари табиий индиго бўёғидан олинмаган анилин ҳозир бензолдан, тошқумир смоласидан олинаётди. Бу усул билан бўёқ олишни биринчи марта бундан 135 йил муқаддам рус кимёгари Н.Зинин топан ва ҳозир дунёнинг ҳамма жойида шу усул ёрдамида бўёқ тайёрланмоқда.

ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Бизнинг еган овқатимиз энергия беради. Бу энергиянинг бир қисми иссиқликка айланади. Бир кишининг баданидан бир кеча-кундузда чиқарадиган иссиқлик билан 3 тонна сувни бир даража илтиш мумкин. Бу иссиқлик билан икки челақ (30 литр) сувни қайнатиш мумкин. Акбар АЛИЕВ.

Дўст ачитиб гапирари

Кўз олдингизга келтиринг: бир киши шифокор ҳузурига боши тинимсиз оғриётганидан шикоят қилиб келди. Табиийки, дарҳол унинг ҳолатини текширишга киришилади. Бундай маҳалда биринчи навбатда шифокор танометрни (қон босимини ўлчовчи асбобни) ишга солади. Карасаки, асбоб 140/100 ни кўрсатапти. Дарҳол қон босимини туширувчи дорилар рўйхати тутқазилади. Аммо уларни истеъмол қилган киши соғайиш ўрнига баттар оғирлашади. Сабаби... танометр носоз, қон босимини нотўғри кўрсатган эди.

ТАШХИС ТЎҒРИ ҚЎЙИЛДИМИ, ДЎХТИР?

Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари диққатига!

Наманган вилояти ҳудудий стандартлаш ва метрология маркази томонидан вақти-вақти билан олдиндан тузилган режа асосида халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари қатори тиббиёт шаҳобчаларида ишлатилган асбоб-ускуналар ҳолати ҳам кўздан кечирилиб борилади. Бундай тадбирлар эса юқорида тилга олиб ўтилганидек турли кўнглисизликларнинг олдини олишга кўмаклашади, беморларга тўғри ташхис қўйилишига ёрдам беради. Тан олиш керакки, кейинги йилларда вилоятда аҳоли соғлиғини сақлаш, турли хил касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш борасида катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Барча туман ва шаҳарларда янги-янги касалхоналар қурилди, мавжудларни замонавий талаблар асосида таъмирланди, ўринлар кенгайтирилди, энг янги тиббиёт ускуналари билан бийитилди. Лекин шу билан бирга айрим бепарво раҳбарлар, ўз ишига масъулиятсиз шифокорлар айби билан беморга аниқ ташхис қўйишининг бош омили ҳисобланган асбоб-ускуналардан фойдаланишда жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқдаки, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Яқинда ўтказилган текшириш якунлари бунга бир бор исботлади. Чуст туманини мисолга олайлик: марказий шифохонада йилнинг ярами ўтиб қолганлигига қарама-дандан фойдаланилаётган тиббиёт воситаларини қиёслашдан ўтказиш учун ҳатто, жадвал тузилмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳақиқий аҳвол яшидирки, шифохона раҳбарлари бемалол

лари метрологик аттестацияланмаган. Бўлимларда беморларнинг қон босимини аниқлаш учун фойдаланиладиган танометрлардан 5 тасининг «ИПО-4» ускунаси назорат қилиб кўрилганда 2 тасининг кўрсат-

жиқлари нотўғрилиги, яъни ишга яроқсизлиги аниқланди.

Вилоят кўп тармоқли шифохонасида фойдаланилаётган 135 та ўлчаш воситалари ва даволловчи ускуналар кўздан кечирилганда жиддий камчиликлар аниқланди. Физиотерапия бўлимидаги юқори частотали даволловчи ускуналарда қусурлар бўлишига қарамай хануз ишлатиб келинмоқда. Дори-дармон тайёрлаш бўлимида ҳам шу аҳвол.

Юқоридаги сингари камчиликларга Наманган шаҳар 2-сонли бирлашган асаб касалликлари, 3-сонли бирлашган шифохоналарда вилоят оқумли касалликлар шифохонасида, қон қуйиш марказида, Мингбулоқ санитария-эпидемиология станциясида, 1-тез тиббий ёрдам марказида, вилоят эндиринология марказида қандай ҳам дуч келиндики, булар тўғри ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда бехато тиббий хулосалар чиқариш имкониятини бермайди. Уйлаймизки, булардан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари тегишли хулосалар чиқариб оладилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касабга уюшма Марказий Қўмитаси Қашқадарё вилояти тармоқ қўмитасининг бош ҳисобчиси Тўра Шароповга падари бузуқвор

БЎРИХОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ишлаб чиқариш ҳажми мавжуд эмаслиги сабабли «FAN-FAOL» ООО масъулияти чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ

«НЕФТЧИ»

мақсад сари дадил интиломқда

Фарғоналик футбол мухлислари ўзларини қийнаб турган саволга жавоб олдилар. Қашқадарёнинг бош командасини 2:0 ҳисобида мағлуб этган «Нефтчи» бу йил биринчиликни ҳеч кимга бериб қўймайликка қатъий аҳд қилганлигини яна бир қарра тасдиқлагандек бўлди. Шундай қилиб эндиликда «Насоф» билан қарвонбонни тўплаган очколар ўртасидаги фарқ саккизтани ташкил этмоқда. Ваҳоланки, агар қашқадарёликлар ғалаба қозонишганда у бор-йўғи иккита бўлар, чемпионлик учун баҳс қизгин тус олар эди. Шунингдек, Навоий сайдерлар учун бу ютуқ ва Нукусда бўлиб ўтган нечоғлик аҳамиятли эканлигини изоҳлаш шарт бўлмас керак. Лекин ўтган йилги чемпионнинг иккинчи даврада очколар улашишга «киришиб» «Зарафшон» ўз майдо-нида «Кимёгар»нинг ҳужумлари дош беролмаган бўлса, «Дўстлик» эса «Турон»га ўйинни бой берди. Аут-

Ўзбекистон чемпионати

да бўлса, бултур «Дўстлик» ҳам ана шундай натижага эришиб, мамлакат чемпионлигини қўлга киритган эди. Турнинг қолган учрашувлари куйидагича туғади: «Самарқанд-Д» — «Навбахор» — 3:2, «Андижон» — «Сурхон» — 1:0, «Трактор» — «Металлург» — 1:1, «Академия» — «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги матч бошқа кунга кўчирилди.

Table with 7 columns: Жамоалар, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. It lists the performance of various football teams in the Uzbekistan Championship.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маъмуржон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топширилган вақти - 21.00. Топширилди 22.10.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерлида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.